

ЖОШЛИК СУЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

8 февраль, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 28 (1030)

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ ИШЧИ ГУРУХИНИНГ БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Конституцияси ва амалдаги қонунларга мувофиқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясини тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш, кун тартибига доир таклифларни ишлаб чиқиш, мажлисларда муҳокама қилинадиган ҳужжатларни ҳозирлаш ва бошқа ташкилий тадбирларни сессияни ўтказишга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи депутатлар ишчи гуруҳи амалга ошириши керак. Жойлардаги депутатлар гуруҳлари кўрсатган вакиллар жумласидан иборат ана шундай ишчи гуруҳ тўзилиди.

7 февраль куни Олий Мажлис депутатлари ишчи гуруҳининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Х. Халилов бошқарди.

Э. Халилов янги сайланган депутатларни чин кўнгилдан табриқлаб, ишлариде муваффақиятлар тилади, янги парламентнинг аввалги Олий Кенгашдан фарқловчи жиҳатлари хусусида, Олий Мажлисининг ўзига хос иш услуби ҳақида, Олий Кенгаш тўплаган фойдали ва бой тажриба тўғрисида қисқача маълумот берди.

Олий Мажлис депутати Омон Олимжонов ишчи гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Йиғилишда Олий Мажлис биринчи сессиясининг кун тартибига доир таклифларни ҳамда мажлисларда кўриб чиқиладиган масалаларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрловчи кичик тармоқ гуруҳлари тўзилди. Бу тўрт гуруҳ амалга оширадиган аниқ вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари А. Носиров, Т. Жўраев, Д. Фуломов, А. Мирқосимов кичик тармоқ гуруҳларининг раҳбарлари этиб сайландилар.

Йиғилишда биринчи қаҳирқ Олий Мажлис биринчи сессиясини ўтказишга ўта масъулият билан ёндошиш муҳим эканлиги бир овоздан таъкидланди. Ишчи гуруҳи аъзоларининг эътибори нафақат тайёрланажак ҳужжатларнинг пишшиқ-пухталигига, балки сессияга ташриф буюрадиган депутатларнинг самарали фаолият кўрсатишини белгилайдиган барча омилларга қаратилиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш ишида Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. Бугров иштирок этди ва сўзга чиқди.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корей Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг таклифига биноан шу йил 15 февралдан 17 февралга қадар давлат ташрифи билан Корей Республикасида бўлади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биринчи сессиясининг иккинчи мажлиси бўлди.

Унда Ўзбекистон Президент Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоятлари Кенгашларининг сессияларида ҳамда шу йил 18 январь куни Тошкентда ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Убунинёз Аширбеков шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар Қорақалпоғистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, аҳолини зарур озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ ҳўжалигини кескин ривожлантириш асосида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, саноат корхоналарининг бир маромда ишлашига эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириди.

Сессияда ташкилий масала-лар кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси бўлиб ишлаб келган Ражаббой Йўлдошев сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Амударё тумани ҳокими лавозимда ишлаган Баҳром Жуманиёзов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси этиб тайинланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري А. Муталов нутқ сўзлади.

(ЎЗА).

АКАДЕМИК ГАЛИНА ПУГАЧЕНКОВА:

ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ

Айтишларича, қадимий меъморлик — қотиб қолган музика эмиш. Бу музикаий оҳанглари замондошларга етказиш, қадимий усталар барпо этган маданият ёдгорликларининг ажойиб уйғунлигини кўрсатиб бериш осон вазифа эмас. Уни ёдгорликлар моҳиятини чуқур тушуниган, ана шу изланишни ўз ҳаётининг моҳияти деб билган кишиларгина урдадай олади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Беруний номидаги ва Ҳамза номидаги давлат мукофотлари совиридор Галина Анатольевна Пугаченкова ана шундай инсондир. Марказий Осиё халқлари маданияти кўп жиҳатдан шу инсон фаолияти тўғрисида жондор бадиий меросининг олтин хазинасидан жой олди. Санъатшунослик доктори Г. Пугаченкова ўзининг бутун ҳаётини Марказий Осиё халқлари маданиятини тадқиқ ва тарғиб этишга бағишлади. У кўп мамлакатларда нашр этилган 600 дан ортиқ илмий иш муаллифи, Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияларининг ташкилчиси, Марказий Осиёдаги ягона ҳисобланган маданият тарихчилари мактабининг асосчиси. Унинг бу хизмат-

лари бутун дунёга маълум. Унинг бутун илмий фаолияти республикамиз билан боғлиқ. Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қатнашган Г. Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Унинг бутун илмий фаолияти республикамиз билан боғлиқ. Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қатнашган Г. Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Бундан ташқари Г. Пугаченковани мукофоти — Палма академияси зобити белгисини топширди.

Г. Пугаченковани касбдошлари, дўстлари, кўп сонли шоғирдлари самимий табриқладилар. Тўплаганлар академик Г. Пугаченкова илмий фаолиятини давом эттиратгани, Ўзбекистондаги олимларнинг бутун бир авлодига мураббий эканини мамнуният билан таъкидладилар. Йиғилишда унга турли давлат, илмий ва жамоа ташкилотлари номидан табриқномалар топширилди.

Ўзбекистон менинг тақдирим бўлиб қолди, — деди пирувардида Галина Анатольевна. — Менинг кўп йиллик ишмини «Дўстлик» ордени билан тақдирлаган республика раҳбариятидан миннатдорман. Ўзбекистондаги касбдош орада турли миллий вакиллари бор. Улар шу ерда ўз истеъодларини ривожлантириш ва рўбга чиқариш имкониятига эга бўлишди. Бундай шароитда тагин ҳам яхшироқ ишлаган келадим — фаолиятини давом эттиравман, ҳали амалга ошириладиган режаларим кўп.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов асарларида Ўзбекистоннинг муस्ताқил тараққиёт йўли ва уни халқ таълими муассасаларида ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлди.

У вилоят ҳокимлиги, маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказининг вилоят бўлими ҳамда Қарши давлат дорилфунунининг ташаббуси билан ташкил этилди.

Анжуман қатнашчилари муस्ताқил Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлига доир мавзуларда марузалар тинглади.

ТАДБИРКОРЛИК ҚҮЛ КЕЛМОҚДА



Қорақалпоғистоннинг Ҳўжайли туманидаги шолни қайта ишлаш акционерлик заводи бугунги кунда фақат ўз иши билан машғул бўлиб қолмай, тармоқларни кенгайтириш борасида ҳам дадил қадамлар ташламоқда. Яқинда туман марказида аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида «Иссик нон» дукони ишга туширилди. Унинг қошида ташкил этилган кичик нон цехи Германиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланиб, кунига 2,5 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб берапти.

СУРАТДА: кичик нон цехининг оператори Ойжамоил СОҲИБЕВА.

САХОВАТ

Ўзбекистон Президентининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни қўлайлаштиришга оид таъбирлар тўғрисидаги Фармони жойларда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Буни Навбахор тумани мусолида ҳам кўриш мумкин. «Сармиш» жамоа ҳўжалигида эҳтиёждор оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласида алоҳида аҳамият берилляпти. Шу йилнинг дастлабки ойи мобайнида ана шундай 43 оилага 1 гушт, гуруч, понабал бепул тарқатилди. Икки юз кишига эса бугдой арзон нархда сотилди.

Ҳўжаликнинг ўтган йилги даромади ана шундай саховат кўрсатиш имконини берди.

ШАКАР ВА УН ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

«Бухоросавдо» савдо-ишлаб чиқариш концерни вилоят аҳолисини маҳсулотлар билан муштуман таъминлаш чораларини кўраётир.

— Метёрланган молларни Ҳамдўстлик мамлакатларидан асосан бартер усулида олиб келаямиз, — дейди кониерн раҳбари Раҳим Азизов, — вилоят ҳокимлиги ана шу мақсадда кераклик миқдорда пахта толаси ажратди. Тасарруфимиздаги барча озиқ-овқат дўконларида саккинз турлагли молларнинг доимо бўлиши учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Бухоро ва Когон шаҳарларидаги ёғ заводлари билан ҳам шартномалар тузилган. Улар йил давомида бизга узлуксиз усимлик ёғи етказиб беради.

«ДОҒАН»ГА МИНАСИЗМИ?

«Жиззахтрансп» давлат ҳиссадорлик бирашмаси вилоят аҳолисини транспорт хизмати кўрсатишни яхшиламоқда.

Яқинда Туркидан 25 та «Доған» русумли енгил автомобил олинди. Айнаи пайтда улардан такси сифатида фойдаланилаётир.

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

«Оққуш» хусусий корхонасида 40 дан зиёд ишга-қиз хизмат қилади.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар Сирдарё вилояти савдо шохобчаларида энг харидориги маҳсулотдир. Корхона маҳсулотлари ўзининг бежиримлиги, безакларининг ранг-баранглиги ва сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ ПИЛЛАКОРЛАРГА ТАРҚАТИЛДИ

«Хоразмлик» акционерлик жамиятининг янги фабрикасида помбарх, вилор сингари матолар ишлаб чиқариш бошланди.

Хитойлик ҳамкорлар билан бунёд этилган қўшма корхонанинг дастлабки маҳсулотлари пиллакорларга тарқатилди.



Самарқанд вилояти. «Ўзбекхонмаҳсул» ишлаб чиқариш корхонасининг Нарпай туманидаги 407-маҳсул курялиш колоннаси ташкил этилганга ҳадемай 20 йил тўлади. Уттан қисқа давр ичиде колонна курувчилари вилоятнинг дөври барча туманларида ободончилик ишларини амалга ошириб, ичимлик сув тармоқлари, оқова ишоотларини куриш каби кўплаб бунёдкорлик ишларини бажардилар. Айнаи пайтда колонна цехида

темир-бетон ариқлар, қудуқлар, гишт ва пойдевор блоклари, уй анжолари, эшик ва дөраза ромлари, турли мебеллар ўзининг харидорлигини билан аҳолига манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: колонна ҳайдогчиси Нурмамат БОБО-НАЗАРОВ.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

кундузда 1,5—2 тонналик қувватта эга. Бунинг учун унга узоқ вақт кетмади. Авваллари ёғ тайёрлашда пайло бўладиган чиқит арзон гаровга сотиларди. Энди заводнинг бешинчи маҳсулоти — сифатли чиқарилаётган совундан анчагина фойда олинладиган бўлди. Муҳими Мирзачўл аҳолисининг совунга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконияти яратилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, НАҲАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:
иш ҳақининг энг кам миқдори — ойига 150 сўм;
меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 430 сўм;
фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 200 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулли) разряд — ойига 300 сўм этиб белги-лансин.

2. 1995 йил 1 мартдан бошлаб иш ҳақининг ҳозир амалда бўлган миқдорлари би-ринчи разряддан бошлаб ва пенсияларнинг барча турлари, миқдорлари, энг кам пенсиядан ташқари, ойига ўртача 350 сўмга оширилсин, уларга аҳолига тўланадиган 150 сўм миқдоридеги компенсация тўловлари киритилсин.

3. Стипендиялардан даромад солиғи олинмаслигини назарда тутиб, 1995 йил 1 мартдан бошлаб олий ўқув юртлари тала-балари, ўқув маҳсули ва ҳунар-техника ўқув юртлари уқувчиларининг стипендиялари асосий миқдорлари 300 сўмга (150 сўм ком-пенсация ҳисобга олинган ҳолда) оширил-син.

4. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбеки-стон Республикаси аҳолисини таъминлаш хар ойлик компенсация тўловлари бекор қилинсин.

5. 1995 йил 1 мартдан бошлаб:
бола икки ёшга тўлганга қадар уни пар-варини қилиш бўйича оналарга берилди-ган нафақа ойига 250 сўм миқдорда;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 400 сўм миқдорда;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатта лаёқатсиз фуқароларга берилди-ган нафақа ойига 300 сўм миқдорда бел-гилансин.

6. Энг кам иш ҳақиға фоиэ нисбатидеги ҳисоблаб чиқиладиган иш ҳақиға устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунинг-дек, болали оилаларга бериладиган нафақа

ва бошқа тўловлар 1995 йил 1 мартдан бошлаб мазкур Фармон билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бюд-жетдан маблағ билан таъминланадиган таш-килотлар ва муассасалар мазкур Фармон-дан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафа-қалар, стипендиялар ва ҳодимларнинг ла-возим маошлари миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишлирини таъминлашин-лар.

8. Бюджетдан маблағ билан таъминла-надиган муассасалар ва ташкилотлар хо-димларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафа-қалар ва стипендияларини ошириш би-лан боғлиқ сарф-харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий сўғурта жа-ғармаси ҳисобидан амалга оширилисин.

9. Ҳўжалик ҳисобидеги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақи миқдорлари ошири-лишини энг кам иш ҳақининг мазкур Фар-мон билан белгиланган оширилишини таъминлаган ҳолда ўз даромад манбалари ҳисобидан амалга оширилсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон ва 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-976-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармонининг 1-банди тўртинчи хатбоши (нафақалар миқдорига онд қие-ми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат-да мазкур Фармонни амалга ошириш бўйи-ча қарор қабул қилисин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 февраль.

Фармон ва ижро

Мамакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган қисқа давр мобайнида қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар, айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчилик шакллариини ўзгартириш, ҳар бир ишбилармон, ҳар бир тадбиркорга янада кўпроқ эркинлик бериш, деҳқон (фермер) хўжалиқларининг иш фаолияти ва иқтисодий ривожланиши даражасини юқори босқичларга кўтариш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим омили бўлди.

Деҳқон (фермер) хўжалиқларининг дастлабки иш натижалариёқ хўжалик юртишнинг биз учун янги-янги бўлган бундай шакли самарали эканлигини амалда тасдиқлади. Шу босиб бугунги кунда уларнинг ва хусусийлаштирилган чорвачилик жамоаларининг моддий-техника асосини барпо этиш ҳамда мустақамлаш, уларга экин майдонлари, сара уруғлар, ўғитлар, зотдор чорва моллари, ем-хашак ва бошқа ресурсларини ажратиш, етиштирилган маҳсулотларни сотишни енгилаштириш, кредит ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш каби муҳим ишлар давлат йўли билан енчил амалга оширишмоқда. Шунга қарамастан, улар ўз иш фаолиятларида бир қатор хизматларга, айниқса, техникавий сервис хизматида эҳтиёж сезмоқдалар.

Техникавий сервис — бу қишлоқ ва чорвачилик юмушларининг асосий қисmini техника воситалари зиммасига юклаш демакдир. Республикаимизнинг турли бурчаларида фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер)ларнинг ишлари билан танишганимизда, уларнинг бундай хизматга бўлган эҳтиёжига тубандга ҳолатлар сабаб бўлаётганлигининг гувоҳи бўлидик: хўжалик, гарчи зарур техниканинг бир қисмига ёки уларнинг барчасига эга бўлса-да, техник қаров ва таъмирлаш ишларини мустақил равишда сифатли бажара олмайди; бу юмушларнинг оидий турларини ундаш қўйилган келган тақдирда ҳам, эҳтиёт қисмлар таъминотида муҳтож; хўжалик аъзолари ўз машиналарини бошқаришда етарлича маҳоратга эга эмас ёки уларда ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқ; машиналарни бошқаришга, техник қаров ва таъмирлаш ишларини бажаришга вақтлари етмайди; икки ёки ундан ортиқ механизациялашган ишларни бир вақтнинг ўзида бажаришга тўғри келади; ёнгили-мойлаш маҳсулотларини иш жойларига ташиб келтиришнинг имконияти йўқ ва ҳоказо.

Бу ҳолатлар «Давлат фонд ажратилиши», «Давлат таъминлайди», «Давлат сотиб олади», «Давлат қилиб беради» деган боқимандалик кайфиятларига қарши кураш бошланган бир пайтда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тўғри, республикамизнинг тегишли илора ва ташкилотларида ана шу муаммоларнинг муқобил ечимларини топиш йўлида амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминотузастиш» давлат-кооператив қўмитаси туманлардаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналари негизида деҳқон (фермер) ва шахсий томорка хўжалиқларига ўзаро шартнома асосида техника хизмати кўрсатувчи «Техсервис» марказларини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, бултур мазкур қўмита қошида жамоа ва хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларига хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик ҳисобидаги республика бирлашмаси тузилди. Унинг туманлардаги бўлиналари эса «Техчорвасервис» корхоналари шаклида

фаолият кўрсатапти. Бироқ улар ҳозирча қўйилган самарани бермаётир.

Бизнингча, «Тумантехсервис» ва «Тумантехчорвасервис» корхонала-

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИҚЛАРИГА ТЕХНИКАВИЙ СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Таҳлил, мулоҳаза ва таклиф

рини бирлаштириб, уларни «Агротехсервис» марказига айлантириш мақсадга мувофиқ. Бу марказлар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари эса энг камида қўйилганлардан иборат бўлмоғи лозим:

1. Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик ишларини техника воситалари ёрдамида бажариб бериш. Бу хизмат турининг ижроси марказ таркибидagi техника ижара-сервис пунктидир. Унда турли тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, транспорт воситалари, чорвачилик асбоб-анжомлари, қўйинги, деҳқон (фермер) учун зарур бўлган барча техника воситалари жамланган бўлади.

Пункт механизаторлари ва ишчилари олинган тузилган шартномалар асосида деҳқон (фермер)ларнинг юмушларини техника воситалари ёрдамида бажариб берадилар. Бундан ташқари, пункт техника воситаларини ижарага ҳам беради. Бу ўз навбатида ижаралор (пункт)га ҳам, ижарачи (фермер) зиммасига ҳам маълум масъулият юклайди. Чунончи, ижарадор техника воситаларини ижарага ўз вақтида, соз ҳолатда етказиб бериши, ижара ҳақларини ҳисоб-китоб асосида аниқлаши, ижарачи эса ижарага олинган техникани ўз йўналишида ҳафсизлик қондаларига тўла риоя қилган ҳолда ишлатиши, ижара ҳақларини кечиктирмай тўлаши ҳамда ишдан бўшаган техника воситаларини ижара-сервис пунктига шартномада кўрсатишган муддатда, соз ҳолатда қайтариб бериши лозим.

Ижара-сервис пункти зарур техника воситалари ва малакали механизатор кадрлар билан тўла таъминланса, деҳқон (фермер)лар ҳамма турдаги қимматбаҳо техникани сотиб олишдек мушкул муаммолардан озод бўлади, барча юмушларнинг техника воситалари ёрдамида бажарилишига эришилади, машина ва механизмлардан фойдаланиш даражаси ортади. Натижанда ижарачининг ҳам, ижарадорнинг ҳам ишлаб чиқаришдан оладиган фойдасининг ўсиши таъминланади.

2. Хўжалиқларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш. Бу вазифани бажариш иктисослаштирилган дўконлар зиммасига юклатилади. Мазкур дўконлар деҳқон (фермер) хўжалиқларининг буюртмаларига биноан, уларга трактор, қишлоқ хўжалик маши-

налари, чорвачилик механизмлари, зооветеринария асбоблари, эҳтиёт қисмлар, таъмирлаш жиҳозлари ҳамда турли хил ускуналари етказиб беради.

Дўконлар, шунингдек, миҳозларнинг хоҳишларига қараб, сотиб олинган машина ва механизмларни охиригача йиғиб-бутлаш, уларни сошлаш ва чиниқтириш, харид қилинган товарларни уйларига ёки бевосита дала ва фермаларга элтиб бериш каби юмушларни ҳам адо этишни ўз зиммаларига олмоғи ларкор. Фикримизча, бу ишларни бажариш дўконлар учун қийин вазифа эмас.

Дўконларнинг муҳим вазифаларидан яна бири деҳқон (фермер)

амалга оширилади. Шунингдек, мураккаб машина-механизмларни капитал таъмирлашни техника алмаштириш пункти адо этгани маъқул. Чунки мазкур пункт носоз мураккаб техника турлари, агрегат ва узелларни иктисослаштирилган таъмирлаш корхоналарига юбориш имкониятларига эга.

6. Чорвачилик жиҳозлари ва механизмларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш. Бундай хизматларни чорвачилик фермаларига техник хизмат кўрсатиш станцияси бажаради. Айни чоғда мазкур станция фермерларнинг буюртмаларига асосан, кичик техника воситалари, асбоб ва ускуналари ясаш, юқори унумли қурилма ва жиҳоз-

ларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги таклифларни тайёрлаб, санаот корхоналарига юборадилар.

7. Хўжалиқларнинг эски машина, узел ва агрегатларини созларига алмаштириб бериш. Бундай имкониятларни уларга техника алмаштириш пункти яратиб беради. Бу пункт, аввало, миҳозлардан носоз техника воситаларини таъмирлаш учун қабул қилиб олади, уларнинг ўрнига ишга яроқлиларини қайтаради. Носозларни эса таъмирлаш корхоналарига элтиб, улардан созларини олиб келади.

8. Тез ишдан чиқадиган қисм ва деталарни қайта тиклаш. Ушбу юмушни марказий таъмирлаш устaxonаси цехларида йўлга қўйиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, мазкур усул, яъни эски деталарга қайта умр бағишлаш техника эгалари ва «Агротехсервис» марказининг эҳтиёт қисмларга бўлган талабини камайтириш, техника воситаларининг таъмирлаш муддатларини кескин қисқартириш, қийматини эса арзонлаштириш имкониятини беради.

9. Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини ташиб бериш. Деҳқон (фермер) хўжалиқлари маҳсулоти жиҳозланган транспорт воситаларига эга бўлмаганлиги босиб ўзлари етиштирилган маҳсулотларини бозорларга ва ярмаркаларга олиб бориб сотишда, тайёрлов пунктлари ёки дўконларга топширишда қийналоқдалар. Масалан, ҳозир галлакорга донни ерга тўқмасдан ташиб беришчи юк машинаси, миришкорга помидорни эзилтирмасдан бозор ёхуд оморга етказадиган техника турлари, чорвалорга эса гўшт ва сутни айнитмасдан узоқ масофага элтиладиган совуқтичи автомобиллар гоят керак. Уларнинг бундай қимматбаҳо ва тақчил транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжларини ижара-сервис пункти қондириши лозим.

10. Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш. Деҳқон (фермер) хўжалиқлари дала нўматлари ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр товар ҳолига келтириб сотсалар, кўпроқ даромад олиши ҳаммага маълум. «Агротехсервис» марказлари бу ишларни бажаришига уларга қўмақлашишлари керак. Бунинг учун марказлар таркибидан маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик завод ва цехларни барпо

этиш зарур. Чунки уларда тайёр бино ва иншоотлар ҳам, юқори кучли электр қуввати ҳам, сув, газ, вентиляция ва канализация тизимлари ҳам, қолаверса, малакали ишчию мухтассислар ҳам етарли. Шундай цехлардан бири, аниқроғи, мева ва сабзавотларни консервалайдиган корхона ҳозир Гулистон туманидаги «Агротехсервис» марказида ишлаб турибди. Бундан деҳқон (фермер) хўжалиқлари ҳам, марказ ҳам бирдай манфаатдор бўлмақда.

Ва, ниҳоят, деҳқон (фермер) хўжалиқларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва унинг турларини узуксиз равишда қўлайитириб бориш «Агротехсервис» марказлари ишлаб чиқариш қувватларини кескин оширишни талаб этади. Бунинг учун тубандга чораталбирлар амалга оширилмоғи зарур:

— Миҳозларнинг сонини тобора ошириб бориш, янги-янги хизмат турларини таклиф этиш, машинасозлик корхоналари билан алоқаларни мустақамлаб, уларнинг доимий истеъмолчиларига айланиш;

— халқаро андалазларга мос келадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўлаштириш ва уларни экспортга чиқариш ҳисобига валюта жамғармасини барпо этиш;

— хоржий давлатлар фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиб, камёб машинасозлик маҳсулотлари ва харидорғир халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш;

— чет элларда дўконлар очиб, савдо-сотик ишларини йўлга қўйиш, товар экспорти ва импорти орқали у ерлардаги тадбиркорлар билан иқтисодий алоқаларни мустақамлаш;

— ички ва ташқи бозорлардаги талаб-истақлар ҳақида маълумот бериб турувчи хизмат турини, яъни маркетингини ташкил этиб, уни ривожлантириб бориш;

— туман ҳудудида етиштирилган хомашини четга чиқармасдан, марказнинг ўзида санаот асосида тўлиқ қайта ишлашни таъминлаш;

— маҳаллий хом ашёлардан деҳқон (фермер)лар учун уй-жой, маданий-маиший ва хўжалик биноларини қуриш, йўл солаш ва таъмирлаш ишларини бажариладиган қурилиш бригадаларини ташкил этиш;

— ўзаро шартнома тузган хўжалиқлар аъзоларини йил давомида иш билан таъминлаш мақсадида марказ таркибида халқ унармандчилигини барча соҳалари бўйича кичик корхоналар очини ва касаначиликни кенг жорий этиш;

— металл прокатига бўлган эҳтиёжларнинг лоақал маълум қисmini қоплаш мақсадида темиртерсақ йиғиш ва топшириш билан мунтазам равишда шуғулланиш. Бу тадбирлар енчил рўёбга чиқарилса, ишонамизки, деҳқон (фермер) хўжалиқларига ва барча шаклдаги мулк эгаларига техникавий сервис хизмати кўрсатиш ишлари тубдан яхшиланади, пировардида қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми қўлайиб, уларнинг сифати ошади, айниқса, қишлоқ жойларига санаотини олиб кириш жадаллашади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, «Агромашталмюр» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, техника фанлари доктори.

Абдулла МАДАЛИЕВ, «Ўзтехчорвасервис» республика бирлашмаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи.



ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК УЧУН МАБЛАҒ

Дания мудофаа вазири Ханс Хеккеруп 1995 йилда Польша, Эстония, Латвия ва Литва билан ҳарбий ҳамкорлик учун 35 миллион крон ажратиш режалаштирилганини айтди.

У маблағат парламентдан шунча миқдорда маблағ ажратилишини сўраган. Бу маблағ биргаликда машқлар ўтказишга, юқорида қайд этилган мамлакатлар ҳарбийлари учун ўқув машғулотлари ташкил этишга сарфланади.

КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

Миср пойтахтида Ироққа қарши коалицияга кирган савкис араб мамлакатини ташқи ишлар вазирининг кенгаши очилди.

Миср, Сурия ва Форс қўрғазини мамлакатлари ташқи сийосат маҳкамалари раҳбарлари минтақадаги хавфсизлик муаммолари, жумладан, ядровий қуролсизлаш мақсадларини муҳокама қиладди.

ИШОНЧСИЗЛИК КУЧАЙМОҚДА

Миср ташқи ишлар вазири Амр Муса «Асахи» газетаси муҳбири билан суҳбатда Яқин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш жараёни барбод бўлиш арафасидалигини айтди.

У Исроил билан Фаластин ўртасида ўзаро ишончсизлик кучайганини, Фаластин мухторияти ҳақидаги битим эса «боши берк кўчага» кириб қолганини таъкидлади.

КУРАШ ФАҚАТ СИЁСИЙ ЙЎЛ БИЛАН

Мексика президенти Эрнесто Седильо Чьяпас штати исёнчиларига мурожаат этиб, «ўз талабларини амалга ошириш учун сиёсий йўл билан курашишга даъват этди.

Президент мамлакатда барча партиялар билан биргаликда «янги демократия» куришга тайёрлигини билдирди.

ЧЕЧЕНИСТОН ВОҚЕАЛАРИ САБАБ...

Россия Федерациясини Европа Иттифоқига қабул қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш Чеченистон воқеалари туфайли кечиктирилди, деди Буюк Британиялик либерал Рассел Жонстон Европа Иттифоқ парламентини йиғилиши якунида РПА-ТАСС мухбирига.

Чеченистон ҳақида гапирар экан, Россия ҳукуматининг қаракатлари жаҳон жамоатчилигида жилдий тавиш уйғотганини айтди.

ЧЕГАРАДАГИ ТЎҚНАШУВ

Тожикистон-Афғонистон чегарасида яна қуролли тўқнашув юз берди.

Тожикистон ҳудудини қўриқлаётган Россия чегарачилари чегарани бузиб ўтишга уринган икки тўланнинг қуролли ҳужумларини қайтарган. Чегарачилар матбуот хизматининг хабар беришича, Тожикистондаги мухолиф қушлар бу хил ҳатти-ҳаракатлари билан ўт очмаслик ҳақидаги ўзаро битимни бузмоқда. Қуни кеча ушбу битимнинг амал қилиш муддати 6 мартгача узайтирилган эди.

ВАЗИЯТ ЯНА КЕСКИНЛАШДИ

Востачиларнинг сай-ҳаракатларига қармай, Перу-Эквадор чегарасидаги вазият яна кескинлашди.

Икки мамлакат ўртасидаги келишмовчиликка сабаб бўлган ҳудудда кучли отишмалар юз бериб турибди. Олтин, нефт ва уран каби бойликларга эга мазкур чегара ҳудуди ҳақидаги кўп йиллик баҳс ўтган ҳафта қуролли тўқнашувга олиб келди.

БИР ЙИЛ АЗА ТУТГАНДАН СЎНГ...

КХДРнинг марҳум президенти Ким Ир Сеннинг ўғли Ким Чен Ир отасига бир йил аза тутгандан кейингина президент даовимини расман эълонлади, деди шимолий кореялик дипломат Манильда бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

Дипломат бунини Осиёга хос бўлган анъаналардан биридир деб изоҳлади.

БЎЛАЖАК УЧРАШУВ КУНЛАРИ БИР КУНГА ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Шу йил Эйда Канаданинг Галифакс шаҳрида дунёдаги юксак ривожланган етти мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашуви бўлиши керак.

Яқинда ана шу учрашуви кунлари Франция Президенти Франсуа Миттераннинг илтимосига қўра бир кунга қисқартирилди. Олий даражадаги учрашувлар энди уч кун эмас, балки 15-17 июнь кунлари ўтади. Чунки, Франция Президенти 18 июнь куни иккинчи жаҳон уруши тутганига 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиши керак.

ЗИЛЗИЛАДАН ЗАРАР... ҲОЗИРЧА 95 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Япониянинг Кобе шаҳрида рўй берган зилзиладан қўриладиган зарар 95 миллиард доллар миқдорига ўлчаммоқда.

Бу рақам эса мамлакат давлат бюджетининг 7 фоизини ташкил қиладди. Бу ҳақда энг кўп зарар қўрган Хиро мазмуриятининг раҳбарлари айтиб ўтди. Шунингдек, улар ушбу рақам яқин орада яна ошиши мумкин дея таъкидлаб ўтган.

БИРИНЧИ ДАРСЛИК — СИНОВДА

Республикамизда чет тилларини ўргатиш долзарб масалалардан бирига айланган. Бироқ чукўр билим беришга иктисослашган мактаблар учун хануз дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар тақчиллиги сезилади. Араб, форс, хинд тилларида яратилган дастурлар давр талабига тўлиқ жавоб бермаёпти. Шуни ҳисобга олиб, Республика ўқув-методика маркази ўқитувчилар малакасини ошириш институтини ва Тошкент давлат шарқшунослик институтини, мактаб ўқитувчиларининг ёрдамларига таянган ҳолда дастлабки одимларни ташламоқда.

Доктор Муҳаммад ал-Бухорийнинг Тошкент давлат шарқшунослик институтини ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтини ш таърибасига таянган ҳолда яратган 5-синф араб тили дарслиги чет тилларини жаҳон талаби даражасида ўқитиш йўлидаги дастлабки яратилган қўлланмадир. У араб тилидан чукўр билим беришга иктисослашган мактаблар учун мўлжалланган. Рисолада ўқитувчи учун методик қўлланма ва лугат берилгани муаллиф меҳнатини анча енгилаштилади. 30 та дарсининг ҳар бири мағн, савол-жавоблар, фонетик ва грамматик машқлардан иборат.

Ғ. ВАЛИЕВА, республика Халқ таълими вазирилик ходими.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ КОДЕКСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномасининг 1995 йилги биринчи, иккинчи ва учинчи сонлари нашрдан чиқди. Уларда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси эълон қилинган.

Ахборотномаларни «Ўзбекистон почтаси» киоскларидан сотиб олиш мумкин.

БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Янги йўл туманидаги У. Юсупов номи агрофирма ижарачилари йил якуни бўйича 30 минг сўмдан нақд пул олишди. Тер тўкиб, силқидилан меҳнат қилганларнинг даромади эса бундан ҳам кўпроқ бўлди. Масалан, ижарачи А. Жуманов ўз шахсий ҳисобига 100 минг сўм қўйди. Бу ижарачиларнинг узлари етиштирилган маҳсулотлардан олган улушларидан ташқари, албатта. Бундай юқори даромаднинг сирин янги ташкил этилган агрофирманинг тумандаги бир неча корхоналарини бирлашти-



олиб келди. Агрофирма директори А. Юсуповнинг айтишича, фирма далаларида сабзавотларнинг янги, истикболли навларини етиштириш ва уларни қайта ишловчи цехларини замонавий техникалар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Жамоа ўз олдига республикамиздаги дўкон пештахталарини эгаллаган хориж маҳсулотлари билан бемалол рақобатлашадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадини қўйган. «Бизнинг маҳсулотлар янада ширин ва арзон бўлади», — дейди агрофирма директори.

Н. ЭШНИЕЗОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.

Бундан бир неча йиллар аввал Шейхсейид тошларини майдалаш ва саралаш заводи ишлаб чиқарётган маҳсулотларига фақат Марказий Осиёдаги корхоналар буюртма берган бўлса, эндиликда Россиянинг бир қанча вилоятларидан ҳам буюртмалар келиб тузмокда. Чунки корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар йўл, уй-жой ва санаот қурилишлари учун энг муҳим хом-ашё ҳисобланади.

СУРАТДА: мазкур заводнинг илгор бригадари Улдош Валиев ўз жамоаси билан.

А. МУРОДОВ олган сурат.

• Хамкасб ҳақида сўз

1950 йил... Ортиқали ака ўшанда 7-синфда ўқирди. Мирзачўл туманида чиқадиган «Колхоз меҳнати» газетасида биринчи хабари босилганда қувонганидан ўзини қаерга кўйиб билмаганди. Эҳтимол ўшанда мақолани биров кўриб, биров кўрмагандир. Лекин биз куни кеча ўша хабарни ўқидик. У сарғайиб кетган газетани 45 йилдан бери авайлаб сақлаётган.

Тиловбердиев журналист сифатида меҳнат фаолиятини «Ёш ленинчи» газетасида бошлади. Кейин «Янгийўл» газетасига ўтиб ишлади. 1966 йилдан Сирдарё вилоят радиосига бош муҳаррирлик қила бошлади. 1970 йилда Ўзбекистон радиосининг Қишлоқ хўжалик эшиттиришлар бош муҳарририга бош муҳаррир этиб тайинланди. Мана, қарийб 25 йилдирки, шу лавозимда узлуксиз ишлаб келяпти. Ҳозир бош муҳаррирнинг номи «Иқтисодиёт ва қишлоқ ҳаёти» деб аталади.



маса керак. Бунга сабаб шуки, Ортиқали ака меҳнатини йил билан эмас, ижод билан ўлчайдиган журналист. У хамкасбларнинг даврасида фалон йил ишлаганини пеш қилмайди, аксинча, фалон нарса ёзганини билан фахрланади. Унинг овози кўпчиликка яхши таниш. Сиз унинг турли байрамлар, учрашув ва тантаналар бўлиб ўтган Тошкент отчопари, Халқлар Дўст-

лиги қошонаси, ҳозирги Мустақиллик майдони, Санъат саройи ва бошқа жойлардан тўғридан-тўғри олиб борган репортажларини, шунингдек сим орқали ўтказган мулоқотларини, радиойўқламаларини, радиохикоя ва очеркларини эшитгансиз. Ортиқали ака гарчи қилишда жойларда қай даражада тadbиркорлик кўрсатилётган бўлса, шубҳасиз, ҳаммаси синчков ва кузатувчан журналистнинг диққат-эътиборида бўлиб келяпти.

Бироқ шожалоқлик қилиб, бу муаммоларни чуқур ўрганмасдан, мулоҳаза-мушоҳада қилмасдан, қоласи эълон қилинди. «Яхшилик — ҳаёт рамзи», «Сув», «Қутлуг излар», «Ислохотлар муваффақияти — иқтисодий мустақиллик гарови», «Исрофгарчилик», «Умри беқор ўтаётган машиналар» каби мақолалар ана шулар жумласидандир.

Ортиқали Тиловбердиев серкирра ва сермаҳсул ижодкор. У Тошкентда босилиб чиқадиган бошқа газета ва журналларда ҳам турли мавзуларда ёзилган мақолалари билан мунтазам қатнашиб турибди. Шунингдек, у еттига оcherк ва публицистик мақолалар тўпламининг муаллифидир.

Журналист Ортиқали Тиловбердиев ҳақида дилдан чиқиб сўзлаётганимизнинг боиси бу. У олти миш ёшга тўлди. Бундай ёрши ҳар бир журналист ёрши қилади. Биз Ортиқали акани ана шу муборак ёши билан қўтлаб, ижодда янада парвоз тилаймиз. Машаққатли меҳнат эвазига очилган иқбол эвазига Ортиқали Тиловбердиевга ҳали кўп эзгуликлар келтиради, деган умиддамиз.

Иброҳим НОРМАТОВ, Исмаил ХУДОЁРОВ.



Анджон вилояти. Хўжабод туманининг Кутарма қишлоғида мебель тайёрлашга ихтисослашган «Орзу» кичик корхонасининг иш бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Унда уста Турғунхожи Каримов бошчилигида турли хил бежирим мебеллар тайёрланапти. Ишлаб-чиқарилаётган махсулотлар сифатлиги билан харидорлар бўлаёпти. СУРАТДА: уста Турғунхожи Каримов иш устида. Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎЗА).

• Касби оддий — ҳиммати олий қишқилар

БУ ДАРГОҲТА КАЙФИЯТСИЗ КЕЛГАНЛАРИНИНГ ҲАМ РУҲИ КЎТАРИЛАДИ

Бизнинг қаҳрамонимиз Гули Шукурова нима пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида яшовчи барча пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларию ноғиронлари яхши билишди. У ҳар бир хонадоннинг азиз кишинига айланган. Г. Шукуровани бирор бой ташкилотнинг раҳбари деб ўйларсиз. Аксинча, у туман ижтимоий таъминот бўлимида бор-йўғи қотиба бўлиб ишлайди.

Яқинда мазкур идорага бир масала билан борганим. Қабулхонада узок кутишга тўғри келиб қолди: Гули Шукурованинг келиб-кетувчилар билан қилаётган муомаласини кўзга бошладим. У ноғиронларни етаклаб керакли мутахассисга учраштиради, раҳбар қабулига кирган ёш болаларнинг кўтариб турар, сўровчиларга керакли маълумотлар беради. Хуллас бу даргоҳта кайфиятсиз кирган одамнинг ҳам руҳи кўтарилади.

Котибанинг хатти-ҳаракатларини кузатарканман, беихтиёр ўйлаб қолдим: нима учун котибалар ҳақида матбуот саҳифаларида учратмаймиз. Уларнинг муомаласига, туриш-турмушига қараб ана шу ташкилот жамоаси ҳақида озми-кўпми хулосага эга бўласиз. Қанийди, котибалик вазифаларида эртаюк кеч кўз-қош бўяб ўтирувчилар эмас, Гули Шукурова сингари фийдоийлар ишласа.

С. МУҲАММАДЖОНОВА, Тошкентдаги 297-мактаб ўқитувчиси.

СЕРМАҲСУЛ ИЖОД СОҲИБИ

узок йилдан буён радиода ишлаган ва унинг ўзига хос мураккабликлари, ташвишлари бўлсада, лекин у ҳамон газета билан ижодий алоқасини узгани йўқ. «Халқ сўзи» ташкил этилибдики, Ортиқали Тиловбердиев унинг фаол жамоатчи муҳбири. Кўпроқ иқтисодий мавзуда ёзади. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида қандай муаммолар юзага келаятган ва бу муаммоларни ҳал

амалий тақлифлар киритмасдан газета саҳифасига олиб чиқмайди. Танлаган мавзусини обдон ўрганиб, кейин хулоса чиқаради. Агар унинг «Халқ сўзи» газетасида босилаётган материаллари мазмунини билан танишсангиз бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Фақат 1994 йилининг ўзида газеталда Ортиқали Тиловбердиевнинг долзарб масалалар кўтарилган ўнга яқин салмоқли ма-

КУЙ-ҚЎШИҚҚА ЙЎҒРИЛГАН СУҲБАТ

Қадимий ва навқирон Бухорои шариф бу йил ўзининг 2500 йиллигини кенг нишонлайди. Вилоятда қутлуг санага бағишланган тадбирлар, ижодий учрашувлар, бадиий кеча ва турли кўрсатмалар ташкил этилмоқда.

Фирдавсий номли вилоят марказий кутубхонасида ўтказилган ижодий учрашув кечаси ҳам мазкур юбилейга бағишланди. Кеча ташаббускорлари — Ф. Фулом номидаги шаҳар марказий кутубхонаси ва «Камолот» маданият уйи жамоасининг саъй-ҳара-

катлари билан Покистонда бўлиб ўтган халқаро хунармандлар фестивалининг қатнашчилари — зардўз Бахшулло Жумаев, темирчи уста Шокиров Камолловнинг сафар таассуротлари ҳақидаги қизиқарли суҳбатлари тингланди, шариф буюрганлар қўшни-

мамлакатда ўтказилган «Хунармандлар иш устида» кўрик — танловининг аҳамияти, унда ўзбекистонликларнинг иштироки ҳамда ҳақаро маданий алоқаларнинг истикболи юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Кеча сўнггида Фижудондаги Фаттоевлар оиласи ҳамда «Камолот» маданият уйи бадиий ҳавоскорлари ўз санъатларини намойиш қилишди.

Ў. ҲАЙДАВЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ГЕОЛОГЛАРИНИНГ УЙ ТҮЙИ

«Ўзбекинефтегагеология» бирлашмаси маъмурияти буюртмаси билан Қарши шаҳрининг М. Шибоев кўчасида тикланган 24 оилга учун мўлжалланган кўп қаватли уй фойдаланишига топширилиб, бу ерда уй тўйлари ўтказилди. Яна 24 хонадоннинг истиқомат қилишига мўлжалланган уй қурилиши бошлаб юборилди.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

САМАҚАНДА ФАН ВА ТЕХНИКА МАРКАЗИ

Бозор муносабатлари фанди ҳар бир қашфиётчи, энгилкини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишни тақозо этади. Фақат шундангина корхоналар мунтазам равишда энгил технологияларга эга бўлиб, тайёрланаётган махсулот сифатини ошириб боришлари мумкин.

Яқинда қабул қилинган Самарқанд вилоят ҳокими ва Ўзбекистон Республикасининг Фан-техника давлат комитетининг Самарқандда фан ва техника маркази ташкил этиш ҳақидаги қўшма қарори айнан ана шу мақсадга қаратилган. Бу марказ энди вилоятдаги илмий ва конструкторлик ташкилотлари, ижодий жамоалар, олий ўқув юрталари, корхона, бирлашмаларнинг янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши, Ассосийси — минтақада ил-

мий хизмат кўрсатишни ташкил этади. Фан ва техника маркази бевосита вилоят ҳокимига буйсунали ҳамда ўз фаолиятида бутун эътиборни ҳокимлик белгиланган муаммоларни ҳал қилишга қаратади.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКОРДЛАРГА БОЙ МУСОБАҚА

Мамлакатимиз спорт оламида янги спорт тури — пауэрлифтинг пайдо бўлди. У бир қарашда шанга кўтаришга ўхшаб кетади. Унинг уч тоифаси мавжуд. Ўтган ҳафтада пойтахтимизда бу янги спорт тури бўйича республика очик чемпионати ўтказилди. Унда Қозоғистон пауэрлифтингчилари ҳам қатнашди. Гарчи пауэрлифтинг мамлакатимиз спортинда янги тур ҳисобланса-да, республикамиз Европа чемпиони ва жаҳон рекордчиси бўлган спортчиларга эга.

Жумладан, 52 ёшли Геннадий Четин фахрийлар ўртасида Европа чемпионатида муваффақият қозонган. Республика очик биринчилигида бир неча марта пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон рекорди ва бир марта Осиё рекорди ўрнатилди. 45 ёшли тошкентлик Камолдин Панахов 110 кг вазнлилар тоифасида 710 кг тош (учкураш бўйича) кўтариб, рекорд ўрнатди. Унинг шогирди Юрий Шой 560 кг тош кўтариб, 75 кг вазнлилар ўртасида голиб чиқди. Шунингдек, Г. Четин

ҳам ўз тоифаси бўйича Ўзбекистон рекордини янгилади. Тошкентлик талаба Ольга Саблина эса пауэрлифтингнинг барча тоифаси бўйича, яъни уч марта Ўзбекистон рекордини ўрнатди. Осиё рекорди чимкентлик Валида Искандаровага тегишlidir. Барча голибларга ва чемпионатнинг энг ёш қатнашчиси Зиевуддин Раҳмонбердиевга (11 ёш) «Аякс» фирмаси таъсис этган мукофотлар берилди.

РЕКОРДЛАР, ВОҚЕАЛАР, АЖОЙИБОТЛАР

ЎЙИНГОҲДА СИГАРЕТ ТУТАТИШ 200 ДОЛЛАР ТУТРАДИ

АҚШ спорт иншоотларида чекиш қатъий тақиқланади. Ҳатто усти очик футбол ўйингоҳларида ҳам чекиш мумкин эмас. Бу тартиб, айниқса, мураббийларнинг қийин аҳволга солиб қўймоқда. Шогирдлари кетма-кет хаттоликларга йўл қўйса, кетмай бўладими ахир. Футбол бўйича АҚШ-94 жаҳон чемпионатида Болгария терма жамоасининг бош мураббийси Пенев ана шу тартибнинг жабранувчиси бўлди. Жамоаси 1:0 ҳисобида ютказилган бир пайтда Пенев асабийлашиб, ёнидан сигарет олди-да, тутатди. Ана шу беихтиёр қилинган ҳаракат унга 200 долларга тушди, яъни

шунча миқдорда жарима тўлади.

ТЕННИС — САРМОҲ ҲАМ ДЕМАК

Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда теннис бўйича жаҳоннинг «биринчи ракеткаси» соҳиб Пит Сампрас ўта йилни профессионал теннис турнирларида қатнашиб, 3,6 миллион АҚШ доллари миқдорига даромад қилган. Бу борада иккинчи ўрин Серхи Бругерга тегишди. У 3 миллион доллар атрофида пул ишлаган. Шведиялик Эдберг, хорватиялик Иваншевич, германияликлар Штих ва Беркенинг йиллик даромадлари эса 2 миллиондан ошди. Бу уларнинг турли фирма ва компанияларнинг ўз махсулотларини реклама қилгани учун

тўлаган маблағларидан ташқариси. Фирма ва компанияларни реклама қилиш орқали сармоҳ тўлашда америкалик теннисчи Агаситта тенг келадигани йўқ. У ўтган йили турнирлардан ҳамда рекламалардан жами 10 миллион доллар миқдорига пул ишлади ва жаҳоннинг энг бой спортчилари орасида тўққизинчи поғонага кўтарилди. 1995 йил ҳам жаҳоннинг «иккинчи ракеткаси» соҳиб Агаси учун муваффақиятли келди. У ўтган ҳафтада нидоҳасига етган Австралия очик биринчилигининг финалида Сампрасни мағлубиятга учратиб, 480 минг долларлик бош мукофотни қўлга киритди.

Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» муҳбири.

• Ҳуқуқшунос минбари

ҚОНУНЛАРНИ ҚАНЧА КЎП БИЛСАК, ЖИНОЯТ ШУНЧА КАМАЯДИ

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш жиноятчиликнинг олдини олиш ва пайини қирқишда асосий омил бўлиб хизмат қилади

Табиики, мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясини ҳамда бошқа энг муҳим қонунларни яхши билган, унинг моҳиятига тушуниб етган фуқаролар ҳеч қачон онгли равишда ёки билиб-билмай жиноятга қўл урмайдилар.

Бунинг асосий сабабларидан бири — мактаб ва олий ўқув юрталарида, техникумларда ҳуқуқ асослари чукчур ўргатилмаётганида, ўсимлар ўртасида ҳуқуқ тарғиботи яхши йўлга қўйилмаганлигида, маҳалаларда, ўқув масканларида ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари билан камдан-кам учрашувлар, очик мулоқотлар ўтказилаётганида деб биламан.

Биз қонунларни мужасамлаш ва ҳуқуқ тарғиботи йўналишида амалий тадбирлар белгиланганмиз. Уларда прокуратура ходимларининг маҳаллий матбуот ва радио, телевидение орқали чиқишлари, жойларда учрашувлар, мулоқотлар ўтказишлари катта ўрин ажратилди. Тадбирларни амалда бажариш асосан бизнинг бўлим зиммасида.

Прократура ходимларининг ҳуқуқий тарғибот фаолиятини ҳисобга олиш дафт-

қолмайди», «Ҳуқуқшунос маслаҳати», «Криминал аҳборот» каби руқилар остида берила бошлади. Асосан, бу йил Президент фармони раҳисининг ижроси, солиқ инспекциялари фаолияти устидан прокурор назорати масаласига матбуотда кенг ўрин ажратишни сўраб турибмиз.

Фуқаролар онгига ҳуқуқий билимларни тез синдиришнинг тахрибада сигнал йўли — бу маҳаллий телевидение орқали, ўқув юрталари ва маҳалаларда очик мулоқотлар уюштиришидир. Уни охиригача барча туманларда шундай учрашувлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Мақсад битта, ҳамюртларимизнинг ҳуқуқий билимлари қанчалик ошиб бора, шаҳар ва қишлоқларимизда жиноятлар содир этиш шумчалик камайишига қаршилмиз.

Гулнора ҲАМРОЕВА, Жиззах вилояти прокуратурининг қонунларни мужасамлаш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича катта ёрдламчиси.

ЎҒРИНИНГ ТАЪБИ ХИРА БЎЛДИ

Тошкент давлат техника университетини 4 курс талабаси Х. М. Юнусовод туманига борганида соат кеч еттилардан ошмаган, одам гавжум эди. Шунда ердан чидими, осмондан тушди, бир бола чиқиб, худди ўзиникидек сиргаларни ечиб, кўздан гоийб бўлди.

Бир зумда етиб келган милиция ходимлари қиз қулоғининг оғриғи босилмасданок, тилла сиргани ҳам, ўша олғирни ҳам олиб келишди.

Олғир қўлга тушганлигидан таъби хира, толиба тилла сиргаси топилганидан кўнгли чок.

Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ.

НОЁБ «ИСТЕЪДОД»

Қаршилик Омон Ражабов ўзини ноёб истеъдод соҳиб деб биларди. У ўзи ихтиро қилган газплитани уйдаги синнаб кўрмоқчи бўлди. Плита ёниш ўрнига портлаб кетди. Натижанда, ўзи, турмуш ўртоғи ва қизи оғир жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди.

Ихтирочининг «ихтиролари» прокуратура органлари томонидан текширилмоқда.

ОХУНБОБОВЛИК «ПАЙҒАМБАР»

Охунбобоев туманида яшовчи Аҳмадали Ёқубов кеч-курун хеч кимга билдирмасдан мачит томига чиқиб: «Мен пайғамбарман, мени силарга Аллоҳ ўрганган» деб бақириб, атрофдагиларнинг тинчлини бузган. Кўни-қўшиллар уни тартибга қақаришади.

Денов шаҳридаги 53-савдо дўкони мудири Баҳодир Эргашевни қинғир йўл билан топган даромадлари қутиртириб юборди. Яқинда у фуқаро М. Хидиров билан жанжаллашиб қолади. Кўзини ёғ босган мудар уни уриб ўлдиради. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, Б. Эргашев ҳибсга олинган.

СЕМИЗЛИКНИ КҮЙ КЎТАРАДИ

Денов шаҳридаги 53-савдо дўкони мудири Баҳодир Эргашевни қинғир йўл билан топган даромадлари қутиртириб юборди. Яқинда у фуқаро М. Хидиров билан жанжаллашиб қолади. Кўзини ёғ босган мудар уни уриб ўлдиради. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, Б. Эргашев ҳибсга олинган.

ТАРВУЗДАН ҚИЁМ

либ, ундан бир тонна тарвуз қиёми, 400 килограмм уруғ олди. — Кичик корхонамизда тайёрланган тарвуз қиёмини турли ширинликлар тайёрлашга ишлатиш мумкин, — дейди Шоқиржон Сирожев. — У бемалош шакар ўрнини босади. Масалан, повидло, торт ва турли хил печеньелар тайёрлашда қиёмдан фойдаланса бўлади. Қиём тайёрлаш эса унча мушкул эмас. Унинг таннари шакарга қараганда анча арзон, масалан, бизда тайёрланган тарвуз қиёмининг баҳоси 5-6 сўмга туғри келади. Инсон саломатлигини учун

фойдали, шифобахш тарвуз қиёмини янада кўнайитириш ҳақида жиддий ўйлаб қуриш керак. Қашқаларё воҳасида етиштирилган тарвуз қиёмини махсулотлари бошқа ерларникига қараганда шираллигини билан ажирлиб туради. Қанд моддаси кўп. Халқимизнинг ширинликка бўлган талаби ошиб турган бир пайтда бунга алоҳида эътибор бериш керак. Ота-боболаримизнинг айтишича, олдин тарвуздан ширини, қовундан тилли ёрдидан қовунқоқлар тайёрлаб, улардан шакар ўрнида фойдаланишган. — Мени бир нарса қаттиқ

ташвишга солади, — дейди Шоқиржон Сирожев суҳбатни давом эттириб. — Вилоятимизда тарвуз етиштирилган хўжаликлар бор. Ана шу хўжаликларда тарвузнинг фақат уруғи олиниб, унинг шарбати ташлаб юборилапти. Бир тасаввур қилинганда, исроф қилинаётган шарбатлардан неча-неча тонналаб қиём тайёрлаш мумкин. Шоқиржон Сирожевнинг куюнтгани бор. Воҳада лалми ерлар кўп. Ана шу лалми полициликни риёжантириб, улардан қўтлаб тарвуз қиёмини тайёрлаш мумкин. Бунинг учун озроқ изланиш керак, ҳолос. Хусан РАҲМОНОВ, Китоб тумани.

• Амир Темурабадияти


Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қайта тугилиши азалий қадрларнинг тикланиши, қўлга олиниши...

Бу жиҳатдан ҳам Амир Темурабадияти ўзбек тарихида ўзига хос ўрнни эгаллади...

либ, уларнинг оғи остида гуллаб турган шаҳарлар, обод қишлоқлар топталди...



«АНИ НАЗМ ЭТКИ...»
Тарихчилар Амир Темурабадияти номи Александр Македонский, Чингизхон, Юлий Цезарь, Наполеон билан ёнма-ён қўйишади...



юришлар билан ер юзининг анчагина қисмини эгаллади. Инсониятнинг ҳали болалик даврида...

Амир Темурнинг қайтиши, бу — юртимизга чинакам бахорий насимларнинг қайтиши...

Табий, яхши ният билан ҳазрати соҳибқирон руҳи-поклари олдига ўз хурматини изҳор этмоқчи бўлган қаламқаш...

ёш тутиб кетди. Саҳройилар истаган пайтда даҳшатли қийқириб, тинч аҳоли устига бостириб қирар...

Одатда, юлдузлар самодаяшайди, уларга пастанд қаралганда жозибали кўринади...

«Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафта қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари...

Рим давлатида дастлаб гоёвий раҳбар, кейин лашкарбон сифатида Юлий Цезарь жуда катта шухрат қозонди...

Хуллас, Туронзамин фарзанди, соҳибқирон Амир Темур тарихда ўзига хос тақдирга эришди...

Оливер Кромвель Буюқ Британия ороллари — Англия, Ирландия, Исландия ва бошқаларни бирлаштириб...

билан ўз мамлақати тарихидоғида бир сиймо бўлиб қолди.

Муқоасаларни давом эттириб, соҳибқирон Амир Темур ҳақида гапирганда, энг аввало, унинг ўз даври фарзанди эканини, демак, фаолиятда ўша замон тартибларидан воз кеча олмаслигини таъкидлаш керак...

Хуллас, Туронзамин фарзанди, соҳибқирон Амир Темур тарихда ўзига хос тақдирга эришди...

Ҳақим САТТОРИЙ, журналист. (Давоми бор).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУПАДИ

БЕРГАН ҲАММАГА ЁҚАДИ

Маҳара қилиш учун шера живачка узатган йиғит қўлидан ажралди.

Ниҳин Новгороддай шаҳри азимда ҳайвонот боғи йўқ экан. Шу боис гастролга келган паррандаю дарранда, хонакию йирткичларни кўргани ҳамма ошиқ...

ОЛОЛМАДИ, АКЦИНЧА ҲУНИКИНИЯМ ҚОЛДИРИБ КЕТДИ

Теллақ ўғрини ўзиникини ташлаб қочди.

Гомеллик дўкондор аёл орқасидан биров кузатиб келаятганини сезди. Бирок уйга етиб олгунча қўрқаётганини билдирмай, ўзини бердам тутти...

ҚОНДАН ЭМАС, БУЙРАҚДАН ҲАМ МАҲРУМ ҚИЛИШАРКАН

Банглар шаҳридаги энг йирки «Виктория» шифохонаси ҳамширалар қўлида қолди.

Ҳиндистоннинг Карнатак штатидан қон топиришига келган оми донорларни «бу иш мураккаб операция йўли билан амалга оширилади» деган баҳонани рўқач қилиб...

ТҮЙ АЗАГА АЙЛАНДИ

Алматыда бўлган даҳшатли ҳодиса тафсилоти ҳамон суришчи қолапти.

54 ёшли Н. билан эндигина қирқинчи баҳорини қаршилаётган С. эгуликнинг эрта-кечи бўлмайдиган нақдга амал қилиб бир-бирларига кўнгли қўйишди...

ҚАРМОҚҚА ХОЛАСИ ИЛИНДИ

Уй ээсининг ўғли меҳмон бўлиб келган холасини тунади.

Камчаткалик аёл меҳнат таътилини сафарда ўтказишга аҳд қилиб, Минскка холасиникига жўнади. Меҳмонни яхши кутиб олишди. Албатта нималар келтирганини ҳам суриштиришди...

Қўлдан берганга қуш тўярмиди

Тибет ўлкасидаги Ташилмопо ибодатхонаси руҳонийлари бизнес билан шуғулланишяпти.

Балки хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради, деганлари тўғридир. Одамларнинг топағи тирикчиликдан ортаётганлиги Шу боис ибодатга келаятганлар сонига камайган бўлса ажабмас...

Ҳайратланганидан тиз чўқди

Элчи кўрғазмани томоша қилгач, мусаввир қарийса тиз чўқди.

Л. Волковская портрет суратлар чизишининг антиқа усулдани топди. У кўпроқ шиша ойналарга расм солади. Масалан, ойнанинг бир томонига акс этган одам расмига орқасини ўгириб қарасангиз тоғ қўлиб, гоҳида хўмрайган ҳолда кўринади...

«Жаннат ПТД» саёҳат фирмаси Сизни
Хиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Хитой (Пекин, Урумчи, Фулжа), Эрон (Машҳад), Сурия, Германия, Миср, Малайзия, Жанубий Корея, АҚШ, Рига, Вильнюс, Бишкек каби шаҳар ва мамлакатларга саёҳат қилишга таклиф этади.

МАНФААТДОР ШАХСЛАР ДИКҚАТИГА!
«ТУРКДИЁР» фирмаси қуйидагиларни энг қисқа муддатда олиб келиб, монтаж қилиб, қалитини топширади:
— соатига 400 дан 1500 килогача ун чиқарадиган кичик цех;
— соатига 3000 кило омихта ем тайёрлайдиган кичик цех;
— соатига 600 дан 1000 килогача туз чиқарадиган кичик цех;
— соатига 60 дан 400 килограмгача қолбаса, салияни, сосиска чиқарадиган кичик цех;
— соатига 450 дан 1500 тагача булка чиқарадиган кичик новвоҳона;
— сир (пишлоқ) ва сариёғ тайёрлайдиган ишлаб чиқариш цехи;
— пластик бутилка ва қўйиш цехи;
— ёғ тайёрлайдиган цех.

Машиқойи Тошкендаги
Мел.: 62-74-86, 69-95-82.
омбордан ГАЗ-31 автомашинасининг Москва заводига ясалган покрискаларини (205) 70R-14, пул ўтказиб йўли билан сотади.

Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҮРАБОВ.

• БУЛИМЛАР:
Парамент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодийёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тўлиқ муҳарририят 33-10-28.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.